

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2023-4/4

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2023

Rasulov Z.I., Ibragimova N.S. Rasmiy nutqda nutqiy aktlarning ifodalanishi	146
Safarova U.A., Trubina I.S., Ryabkova E.A. Status of contamination in modern french language	150
Saidova Z.Kh. Morphological analysis and structural classification of phraseological units	152
Salomova G.A. O'zlashgan qisqartma so'zlarning ingliz va o'zbek tilshunosligida o'rganilishi	155
Saparova M.F. Semantic-structural study of nouns for the Thesaurus of the Uzbek language	157
Saparbaeva G.M., Abdullayeva P.U. Og'zaki muloqot aktida ellipsis va substitutsiya	161
Shokirova Sh.Sh. Turli tizimli tillarda "iltimos" nutq akt turlari tadqiqi	163
Suvanov H.N. Badiiy adabiyotda koloritning millatga xos jihatlari	166
Suyarova Sh.T. Qishloq xo'jaligi soha terminlarini tarjima qilishning lingvomadaniy jihatlari	170
Tilovov O., Isoqulova G. O'zbek va xitoy tilida frazeologik birliklarning o'rni	172
To'xtasinova Sh.A. Ingliz va o'zbek tillari frazeologiyasida "sevgi" konseptining kontrastiv tadqiqi	174
Tursunov M.M., Jalilov B.X. Ingliz va o'zbek tillarida turli sohalarda neologizmlarning kirib kelishi tahlili	178
Ubaydullayeva M.O'. Variability of the semantic content of the concept "conceptual lacuna"	182
Ullieva S.Kh. Speech portrait of a hero from the point of view of linguistics	184
Xalilova G.A., Xalilova Z.N. Theoretical notions of publicistic style translation	187
Xamidova T.R. Chet tillarda mutaxassislikka oid matnlarning terminologik jihati	189
Xamrayeva Z.X. Murakkab sintaktik yaxlitlik lingvistik matn vositasi sifatida	191
Xo'janiyozova Y. "Ufqqlarning chin oshig'i" asari xususida	194
Xodjayeva D.I., Azamova G.A. Analysis of several neologisms that entered the uzbek language	197
Xolmatova N.N. Isajon Sultonning "turmush" hikoyasida globallashuv muammolarining yoritilishi	199
Xudoyberdiyeva R.A., Ashirmatova M.J. Qishloq xo'jaligiga oid terminlarning milliy va xalqaro ma'lumotlar bazalarining xususiyatlari	202
Zoxidova G.T. The concept of linguistic identity in english and uzbek	204
Абдувалиев М.А. Концептларни тасвирлаш ва моделлаштиришнинг лингвокогнитив методикаси	207
Абдувахабова У.М. Актуализация прагматических особенностей текста в процессе перевода	210
Агзамова Д.Б. Хотира феноменининг ўзбек халқи оламининг илмий манзарасида концептуализация ҳодисаси	213
Адилова Д.К. Проблемы правильного перевода технических терминов	215
Азизова Н.Б. Развитие концепта "мать" в культурных традициях и в религиях	218
Азимова А. Медиа дискурс как объект лингвистики и межкультурной коммуникации	221
Алимов Т.Э. Немис, ўзбек ва рус тилларида кийимга оид лексика	224
Аширбаева Д. Мурожаат бирликлари дискурсининг оператори сифатида	227
Бабаджанов Х., Палванова Ш. Названия лиц в тюркизме	229
Бозорова М.А. Реалии и трудности при их переводе	232
Вахидова Ф.М. Ўзбек юридик терминларининг лексик семантик хусусиятлари	235
Вахидова Ф.С. Терминларни тадқиқ қилишга доир ёндашувлар	238
Гибайдуллина В.Р. Роль латинского языка в пополнении словарного состава русского языка	240
Гибайдуллина Ф.Р. Ономастические ориентализмы в очерках А.С.Пушкина «Путешествие в Арзрум»	244
Икромхонова Ф. Марк Твен асарларида образлар тизими	248
Каримов Х.А. Функция эквивалентности и безэквивалентности в сопоставлении русских и узбекских фразеологизмов	250
Каримова У.Д. Мукаддас манбаларнинг инглизча таржималари	253
Кумакбаева Г.К. Этнолингвистиканинг ўзига хослигини таржима сифатида тан олиш	255
Мавлонова Н.А. Теоретические основы межъязыковой фразеологической общности	257
Мирсагатова П.А. Фразеологик маъно махсус семантик категория сифатида	260
Сабирова Н. Контекстуал синонимиянинг қўлланилиши	262
Сулайманова Н.Ж. Роль оценочных концептов в паремиологическом ландшафте мира	266
Тўраева М. Мухаммад Юсуф ва Иқбол Мирзо ижодида афғон уруши воқеалиги талқини	271
Хасанова К.Б. Особенности англоязычной прессы	275

УЎК 811.161.373

ТЕРМИНЛАРНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШГА ДОИР ЁНДАШУВЛАР

Ф.С.Вахидова, катта ўқитувчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. Жаҳон тилшунослигида терминларга лингвистик тузилма сифатида қараиш тил эгаларининг миллий тафаккури, маданий қараишларини миллий-маданий тил бирликлари орқали ифодалаш каби масалалари таҳлилга тортилган. Ушбу мақолада терминологияни ўрганиш қатламининг омиллари ва ёндашуви ўрганилиб таснифланган.

Калим сузлар: terminologiya, lingvistik tuzilma, leksik birliklar, turistik atamalar

Аннотация. В этой статье классифицируются факторы и подход слоя изучения терминологии. В мировой лингвистике, рассматривающей термины как языковую структуру, анализируются такие вопросы, как национальное мышление носителей языка и выражение их культурных взглядов через национально-культурные языковые единицы.

Ключевые слова: терминология, языковая структура, лексические единицы, туристический термин

Abstract. This article classifies the factors and approach of the terminology learning layer. In world linguistics, which considers terms as a linguistic structure, such issues as the national thinking of native speakers and the expression of their cultural views through national-cultural language units are analyzed.

Key words: terminology, linguistic structure, lexical units, tourist terms

XX — XXI асрлардаги тилшунослик тадқиқотларига нафақат умумий, балки тил заҳирасининг бой қатламини ташкил этувчи махсус лексикага бўлган қизиқишнинг сусаймаётганлиги ҳосдир. Фан ва техниканинг ривожланиши, инсоннинг касбий фаолиятида янги тушунчаларнинг пайдо бўлиши билан махсус лексик бирликларнинг сони доимо кўпаймоқда. Махсус лексика қатламининг жадал ривожланиши билан тадқиқотчиларнинг қизиқиши сезиларли даражада ошмоқда.

“Махсус лексика” атамаси О.С. Ахманова (1957), В.Н. Портянникова (1971), А.В. Суперанская, Н.В. Подольская, Н.В. Васильева(1971)лар ва бошқаларнинг асарларида қўлланилади. Кўплаб олимлар (В.М. Жирмунский, В.А. Татаринов) махсус терминология атамаси қўллаб, бу махсус лексикага атамасига яқиндир. Тадқиқотчилар шунингдек назарияси Прага функционал тиллар тўғрисидаги тилшунослик тўғарагининг ғояларидан бошланган ва XX-асрнинг 70-йилларида кенг тарқалган “махсус мақсадлар учун тил” (В.М. Лейчик) ҳақида ҳам гапиришади.

Баъзан барча махсус лексикани умумлашма ном билан терминология деб аташади, назаримизда бу хатодир, чунки ҳар бир махсус лексик бирлик ҳам атама сифатида намоён бўла олмаслиги муносабати билан, бундан келиб ҳар қандай махсус қатламлар тизимини терминология деб белгилашимиз мумкин. Бу сўнгги тушунча катта махсус лексик қатламининг фақат бир қисмидир. Шунинг учун, тадқиқотимизда биз “терминология” атамасини умуман олганда қўллаймиз ва хусусан терминларнинг ўзини кўриб чиқамиз.

XXI аср мамлакатимиз терминшунослигининг ривожланиши аввало тилшуносликда хусусан терминшуносликка нисбатан илмий парадигманинг алмашиши ва умуман когнитив ёндашувнинг пайдо бўлиши билан кечди. Шундай қилиб, терминлар ҳақидаги фан нисбатан кеч пайдо бўлган, лекин 100 йил ичида сезиларли муваффақиятларга эришди.

Терминни таърифлашда ҳозирги кунда мавжуд бўлган ёндашувларни ўрганиб, биз уларни қуйидагича таснифлашимиз мумкин.

1) Норматив ёндашув

мазкур терминнинг муаллифи сифатида Д.С. Лотте кўрсатилиб у терминни “профессионал тушунча касбий тушунчани ифодалайдиган, шакллантирадиган, билиш жараёнида қўлланиладиган, илмий ва касбий-техник объектларни, улар ўртасидаги

муносабатларни ифодалайдиган махсус мазмунга эга сўз ва эргаш гапли сўз бирикмасидир” деб таърифлайди. [Лотте, 1968. С.22]. У терминга қўйилган бир неча талабларни, айниқса: бир мазмунлик, аниқлик, тизимлилик, мотивацияланганлик ва қисқаликни ишлаб чиққан. Мазкур ёндашувларга эргашганлар терминни тил динамик элемент сифатида эмас, балки статик сифатида қўриб, бунинг натижасида тилшунослар тўғаракларида “идеал термин” номини олди.

Бироқ кейинчалик бу назария кескин танқидга учрайди. Шундай қилиб, баъзи тадқиқотларда термин доимо ҳам бир мазмунни англатмай, бир неча тушунчаларни ифодалаши ва бир вақтнинг ўзида турли терминлар тизимига кириши мумкин ва ҳкз.

Функционал (дескриптив) ёндашув.

Мазкур ёндашувнинг асосчиси бошқа таниқли олим — Г.О. Винокур бўлиб у терминлар –“бу алоҳида сўзлар эмас, балки фақат алоҳида функциядаги сўзлардир” [Винокур, 1939. С.5] деб қайд этади. Бунда у сўзнинг термини сифатида чиқадиган – номланиш функциясини алоҳида вазифа сифатида тушунтиради.

Баъзилар термин сўзи асосида “сўз белгининг ва фан-техника тизимининг мазкур соҳасига алоқадор тушунчанинг бирлиги ҳисобланади” деб тушунишади [Кулебакин, Климовицкий, 1970. С. 19-20]; бошқалар эса – “фан-техника тизимида махсус тушунчаларни аниқроқ ифодалаш учун яратилган сўз ёки махсус тилости сўзларининг уйғунлашуви ҳисобланади” [Городецкий, Раскин, 1990. С.47]. Бунда улар “алоҳида олинган термин ўз ҳолича фикция” ҳисобланишини қайд этишади.

Г.О. Винокур ўзининг ёндашувини нормативга қарама-қарши қўяди: термин унда Д.С.Лоттедаги каби фиксация соҳасида эмас, балки унинг фаолиятт юритиш соҳасида, яъни доимо ўзгаришларга учраган тизимнинг динамик элементи сифатида тадқиқ этилади. Бунинг натижасида Лотте томонидан ишлаб чиқилган терминга қўйилган барча талаблар ўзининг долзарблигини йўқотади: тил тизимининг элементи сифатида термин ўзгаради, шаклини ўзгартиради, ўзининг бир мазмунли эканлигини йўқотиши мумкин, бир неча синонимлар, антонимлар қаторини олиши ва умумистеъмолдаги лекция разрядига ўтиши мумкин.

2) Тизимли ёндашув

Мазкур ёндашувнинг тарафдорлари атаманинг тартибга солинган тизим таркибида мавжуд бўлишига урғуни беришади: “Атамани билиб, тизимдаги ўринни биласан. Тизимдаги ўринни билиб, атамани биласан” [Юшманов, 1968. С.14]. Замонавий тадқиқотчиларнинг қўпчилиги тизимлиликни атамани ўрганишни асоси деб ҳисоблашади.

Юқорида белгиланган ёндашувлар доирасида атаманинг талқинидаги фаркларни ажратиш мумкин. Баъзи муаллифлар атамани таъриф бўйича: “сўз номинатив ёки дефинитив функцияни бажаради, яъни аниқ белгилашнинг воситасидир, ва ўшанда у – оддий белги ёки мантикий белгилаш восиси ҳисобланади, унда у илмий атамандир [Виноградов, 1947. С. 12-13]. Академикнинг қайд этишича, атама тушунчани оддий сўз сифатида номламайди, тушунча эса унга нисбат берилади. Бундан ташқари, луғатларда атама изоҳланмайди, белгиланади – бунда атаманинг қиймати - тушунчанинг таърифи яъни дефиниция бўлиб унга нисбат берилади. Бошқача айтганда, агарда дефиниция бўлмаса, унда терминнинг ўзи ҳам йўқдир.

“Термин” таърифларининг таҳлили натижасини келтириб, уларнинг асосий жиҳатларни диққатга олиб, биз асос сифатида тизимли ёндашувни олдик ва ишчи таърифини шакллантириб ундан кейинги барча ишларимизда фойдаланамиз. Кенг маънода биз *термин* сўзи *остида кишининг касбий фаолиятининг соҳаси тушунчасини ифодалаган, шундай тушунчалар тизимига кирувчи ва таърифни талаб этадиган сўз ёки сўз бирикмасини тушуна*миз. *Тор маънода туристик терминни биз туризм соҳасининг махсус тушунчасини ифодалайдиган ва туризм терминотизимининг элементи ҳисобланадиган сўз ёки сўз бирикмасини тушуна*миз.

Мусулмонларнинг ер юзи бўйлаб турли мақсадларда, диний ибодатларни адо этиш (ҳаж ва умра), ризқ излаш ва умуман бошқа сабаблари билан саёҳат қилиши туризм соҳасида ўзига хос ёндашув ва стандартларга асос солинишига сабабчи бўлди.

Шу ўринда туризм мутахассислари мусулмонларнинг диний талабларидан чиқмаган ҳолда ҳар қандай сабаб билан саёҳат қилишларини барча учун бирдай тушунарли бўлиши учун қандай номланиши устида фикрлар билдирганлар. Турли терминлар тавсия этилган: зиёрат туризми, Исломий туризм, диний туризм, шаръий туризм, ҳалол туризм ва ҳоказо.

Юқоридаги терминларнинг барчасининг муаммоли жиҳатлари бор эди. Мисол учун зиёрат туризми дейилганда кўпчилик мусулмонлар фақат ҳаж ва умра, зиёратларини тушунадилар, исломий туризм ва диний туризм шоппинг, саёҳат ва дам олишни қамраб олмайди, барча саёҳат ҳам тўлалигича шаръий бўлмаслиги мумкин ва ҳоказо.

Турли баҳс ва мунозара, диний соҳа ва туризм мутахассисларининг фикрларидан келиб чиқиб Muslim-friendly travel (мусулмонлар учун қулай туризм) атамаси маъқул кўрилган.

Шундай қилиб, мусулмонлар учун қулай туризм – Ислом дини вакилларининг шахсий талабларидан келиб чиқиб, диний талабларига мос шароитда саёҳат қилишларига айтилади.

Мусулмонлар учун қулай туризм фақат диний сабаблар билан, диний масканларни ёки мусулмон мамлакатларни саёҳат қилишни назарда тутмайди. Балки у сайёҳларнинг диний амаллари ва талабларини тарқ этмаган ҳолда саёҳат қилишига қулай бўлган муҳитни англатади.

Хулоса сифатида, Исломий шариатни асос қилиб олган ҳолда, асосан мусулмон бўлган саёҳатчиларга (ҳалол меҳмонхоналар, ҳалол курортлар, ҳалол ресторанлар ва ҳалол саёҳат каби) туристик хизматларни таклиф қилишга мусулмонлар учун қулай туризм дейилади. Ҳалол термини зиёрат ва диний туризмида Исломий шариатни асос қилиб олган мусулмон бўлган саёҳатчиларга ишлатилади. Бошқа дин саёҳатчиларга “Ҳалол” термини детерминацияга учрайди, тор тизимли детерминациялашув. Термин унинг терминлар тизимидаги ўрни орқали белгиланади.

Бироқ нафақат ислом дини исломий шариатни асос қилиб олган мусулмонлар балки бошқа дин (насронийлар, яҳудийлар) сайёҳларининг саёҳат қилишига қулай муҳит яратиш зарурлиги ва уларга туристик хизматларни таклиф қилиш учун зиёрат туризми ва диний туризм турлари ҳам мавжуд. Ўзбек тилида мавжуд зиёрат туристик терминларини тартибга солиш, муносиб термин саралиб танлаш ва уни муомалага киритиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш соҳа олдидаги муҳим вазифалардан биридир. Шундай экан зиёрат туризми диний туризмдан ўзига хос муштараклик ва тафовулларига эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Виноградов В.В. Русский. Грамматическое учение о слове. — М.: Учпедгиз, 1947;
2. Vakhidova F. S. "Tourism Discourse and Its Terminology." *JournalNX*, vol. 7, no. 03, 2021, pp. 150-152.
3. Юшманов Н. В. Элементы международной терминологии. Словарь-справочник (1968 г.).
4. Saidovna, V. F. (2022). The Usage of Pilgrimage Tourism Terms in the English Language. *International journal of inclusive and sustainable education*, 1(4), 66–70. Retrieved from <http://inter-publishing.com/index.php/IJISE/article/view/170>
5. Vakhidova Fotima Saidovna. (2022). Pilgrimage Tour in Tourism. *Miasto Przyszłości*, 28, 342–345. Retrieved from <http://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/651>
6. Зиёрат туризми, Исломий туризм, диний туризм, шаръий туризм ва ҳалол туризм? | Azon.uz - Ахборот-таҳлилий портал

УДК 81-2

РОЛЬ ЛАТИНСКОГО ЯЗЫКА В ПОПОЛНЕНИИ СЛОВАРНОГО СОСТАВА РУССКОГО ЯЗЫКА

В.Р.Гибайдуллина, магистрант, Ургенчский государственный университет, Ургенч

Annotatsiya. Ushbu maqolada lotinizmlarning kelib chiqishi, ularning leksik darajada ishlashi, lotin kelib chiqishining leksik birliklari, shuningdek, lotinizmning rus tiliga kirib borish usullari yoritilgan.

Kalit so'zlar: leksik daraja, fan sohalari, ma'rifat va ta'lim, tibbiy atamalar, lotinizmlar, "o'lik til", to'g'ridan-to'g'ri va bilvosita

Аннотация. В данной статье освещаются происхождение латинизмов, их функционирование на лексическом уровне, лексические единицы латинского происхождения. а также способы проникновения латинизмов в русский язык.

Ключевые слова: лексический уровень, отрасли науки, просвещение и образование, медицинские термины, латинизмы, «мертвый язык», прямые и опосредованные.